



Toshkent tibbiyot akademiyasi Urganch filiali “Jamoat salomatligi va umumiy gigiyena” kafedrasi mudiri, Ibadulla Qochkarovich Abdullayevning 70 yilligiga bag‘ishlangan “Sog‘liqni saqlash tizimida menejmentning zamonaviy muammolari va istiqbollari” mavzusidagi xalqaro ilmiy-amaliy anjuman 2025-yil 20-21 oktabr

ИЧАК ПАРАЗИТОЗЛАРИНИНГ МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР ОРГАНИЗМИГА НОЖУЯ ТАЪСИРИ ТАҲЛИЛИ

Саидова Ф.С.¹, Эрметова З.Т.²

¹Самарқанд давлат тиббиёт университети

²Тошкент тиббёт академияси Урганч филиали

Этиотроп терапиядан фойдаланган ҳолда ва микронутриентлар коррекциясини миллий таомларимизнинг табиий таркибидан фойдаланиб ишлаб чиқилган даврий дегелминтизация дастурлари, паразитар ичак куртлари билан касалланган болаларнинг азобларини сезиларли даражада енгиллаштириши ва ҳозирда инфекция хавфи остида бўлган 1,0 миллиардга яқин болаларни ҳимоя қилиши мумкин.

Тадқиқот мақсади: Ичак паразитозига чалинган болаларда микронутриентлар етишмовчилигини турларини аниқлаш.

Тадқиқот материали ва усуллари. Зарафшон воҳасининг турли минтақаларида яшовчи болалар орасида ичак паразитозларининг тарқалганлигини мактабгача таълим муассалари тарбияланувчилари орасида режали тарзда тадқиқот олиб борилиб, 100 нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Болаларнинг ёши 2 ёшдан 6 ёшгача.

Тадқиқот натижалари ва уларнинг муҳокамаси. Ичак паразитозлари аниқланган болаларнинг преморбид фони касалликлари таҳлил қилинганда, 70,3% болада I ва II даражали камқонлик, 34,4% атопик дерматит, 12,7% беморда рахит ва 9,4% болада оксил- энергетик етишмовчилиги (ОЭЕ) кайд этилди.

Ичак паразитози ва микронутриент етишмовчилиги билан текширилган болалар орасида энг салмоқли улушни 2 ёшгача бўлган болалар ташкил қилди, бу эса адабиёт манбаларидаги маълумотларга зид эмас. Ичак паразитози ва микронутриент етишмовчилиги киз болаларга нисбатан ўғил болаларда кўпроқ кузатилди. Ўтказилган ретроспектив текшириш асосида аҳоли орасида энтеробиоз, ЛИФ, Лейшманиоз, Амиобиз, тениоаринход, геминолипидоз, лямблия, острица каби ичак паразитларининг тарқалганлик даражаси ўрганилди. Олиб борилган ретроспектив тадқиқот асосида шу нарса маълум бўлдики, мактабгача ёшдаги болалар орасида энтеробиоз, ЛИФ, лямблия, астрица каби ичак паразитлари кўп тарқалганлиги маълум бўлди.

Параклиник тестларни таҳлил қилишда периферик қонда макроэлементлар миқдорига катта эътибор берилди: ҳар икки гуруҳдаги болаларда макроэлементлар (кальций, магний, калий, натрий) нормага нисбатан паст эканлиги аниқланди. Мактабгача ёшдаги болаларда қон таркибидаги макроэлементлар таҳлили ўтказилганда кальций миқдори $1,92 \pm 0,18$, магний $0,65 \pm 0,11$, калий $3,16 \pm 0,45$, натрий $129,76 \pm 24,32$ эканлиги аниқланди, бу эса болаларда рахит, жиззакилик, ўсишдан орқада қолиш, вазн камлиги ёки ҳаддан ошиб кетишига мойиллик борлигини кўрсатади. Параклиник тестларни таҳлил қилишда периферик қонда макроэлементлар миқдорига катта эътибор берилди: ҳар икки гуруҳдаги болаларда макроэлементлар (Вит 12, темир, мис, рух) нормага нисбатан паст эканлиги аниқланди.

Хулоса. Ичак паразитозларининг мактабгача ёшдаги болалар орасида тарқалганлиги, уларнинг организмида макроэлементлар миқдорининг (кальций, магний, калий, натрий) нормага нисбатан паст бўлишига, гемоглобин ва эритроцитларнинг ўртача миқдорининг камайишига, бу эса гиповитаминоз ва камқонликнинг юзага келишигига олиб келаши мумкин.